



ОЛМА КУЯСИ БИОЭКАЛОГИЯСИ (YPONOMEUTA MALINELLUS ZELL) ЗАРАРИ, ТАРҚАЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПРЕПАРАТЛАРНИ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Саидов Истам Рустамович
Усвалиев Ойбек Турғунович
Холжигитова Диёра Махмуд қизи
Абдуллаев Азизбек Норбек ўғли
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7739374>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 08- mart 2023 yil
Ma'qullandi: 12-mart 2023 yil
Nashr qilindi: 16-mart 2023 yil

KEY WORDS

олма куяси, тоғолди, ҳосил, зарар, самара, биологик, инсектицид, йўлдош, доминант, зараркунанда

ABSTRACT

Мақолада Наманган вилоятининг тоғолди худудларида мавжуд олма боғларида учраб олма ҳосилига сезиларли даражада зарар келтириб келаётган олма куясининг зарари ҳамда унга қарши кураш тўғрисида маълумотлар келтирилган. Олма куясига қарши 2021-2022 йилларда Янгиқўрғон туманида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра РАДИАНТ к.с.120 г/л, 0,5 л/га сарф меёрида синалган 7 қуни 95,1% самарадорлик билан бошқа препаратлардан устунликни намоён этган.

В.П.Васильев ва И.З.Лившиц (1984) маълумотларига қараганда мевали боғларда тангақанотли (Lepidoptera) туркумига мансуб хашаротларни 18 та оилага ажратиб ўрганганлар. Ушбу оилалардан ўнтаси куяларга тўғри келган булар қуйидагилар, ўроққанот куялар (*Plutellidae*), ингичкақанотли куялар (*Argyresthiidae*), куялар (*Yponomeutidae*), ойначилар (*Aegeriidae*), митти куялар (*Stigmellidae*), ингичкақанот куялар-миначилар (*Lyonetiidae*), гирдак куялар (*Cemiostomidae*), ғилофлилар (*Coleophoridae*), куя-баргўровчилар (*Glyphipterygidae*), ўйиққанот куялар (*Gelechiidae*). Шу билан биргаликда Р.А.Олимжонов ўз адабиётларида (1977) олма ва мева куяларининг 100 дан ортиқ паразит ва йиртқичлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар айтилган. Жумладан, Ўзбекистон территориясида 14 та тур, булардан 7 тури халъцид, 1 тури браконид, 3 тури ихневмонид, 3 тури эса икки қанотлилардир. Капалак қурт ва ғумбакларининг 20-60% мазкур фойдали паразитлардан зарарланишини ва улар орасида *Ageniaspis fuscicollis* ва йиртқич пашша – псеудасаркофа каби яйдоқчилар кўп учраши кузатилган.

Yponomeuta malinellus Zell. нинг систематик тахлили: Бўғиноёқлилар–*Ortropoda* типи, хашаротлар–*Insecta* синфи, тангақанотлилар–*Lepidoptera* туркуми, ҳақиқий тоғда яшовчи куялар–*Yponomeutidae* оиласи, *Yponomeuta* турига мансуб зараркунанда хашаротдир.

Капалак (имаго)ларининг олдинги қанотлари оқрангда бўлиб 11 тадан 18 тагача қора нуқталари мавжуд бўлиб аниқ кўриниб туради, нуқталар тартибсиэ уч қаторда жойлашган. Қанотларининг узунлиги 13-21 мм. Қуртларининг ранги сариқ, катта ёшдаги қуртларининг узунлиги 12-15 мм. Капалакларининг пуштдорлиги–150 тагача тухум

кўйиши мумкин. Олма куяси қатий моноциклик тур ҳисобланиб, бир йилда бир авлод бериб ривожланади. Улар биринчи ёшдаги қурт ҳолида қалқонча остида қишлаб қолиб, апрел ойининг иккинчи ярмида қишловдан чиқишади.

Қуртлар билан зарарланган барглари жигарранг бўлиб қолади. Қишловдан чиққанидан 10-12 кун ўтгач 2 ёшдаги қуртлар қалқон (мина) ларидан чиқиб очиқ озиқланишга ўтадилар. Олма куяси қуртлари тўда ҳосил қилиб ўзларидан чиқарган пилла иплари ёрдамида олма барглари ўраб, уша ерда озиқланадилар. Қуртлар шу тариқа 4 ёши ўтайдилар. Қуртларнинг ҳар бир ёшдан ёшга ўтиши учун ўртача 12-15 кун керак бўлади. Улар ўзлари озиқланган баргларида зич тўқилган пилла ичида ғумбакланадилар. Уларнинг ғумбаклари олма баргларига маҳкамланган оқ рангли зич пилла ичида бўлади.

Ғумбакларининг ранглари сариқ, кейинчалик қорамтир сарғиш рангга ўтади, шакли овалсимон бўлиб, капалаклар 5-7 кунда чиқади. Олма куясининг капалаклари учинчи июн ойининг учинчи декадасидан август ойининг сўнги кунларига қадар давом этади.

Капалаклари асосан куннинг иккинчи ярмида учадилар кундузи олма барглари ости томонларида дам оладилар. Оталанган урғочи зот капалаклар тухумларини тўда ҳосил қилган холда 15-50 тадан қилиб олма дарахти новдаларининг усув нуқталари ҳамда куртакларига жойлаштириб кўяди. Тухумларини ташқи омиллардаги хавф хатар (шамол, энтомофаг) лардан ҳимоялаш мақсадида уларнинг устини ёпишқоқ ажратма билан қоплайди. Тухумларининг ривожланиши ва қуртларининг чиқишига 7-12 кун керак бўлади. Тухумдан чиқган 1 ёш қуртлар дарахт танаси ёриқлари, илдиз ости ва бегона ўт қолдиқларида қалқонча ичида қишловга кетади.

Y. malinellus Zell. зарарлилик даражасини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар 2021-2022 йилларда Наманган вилоятининг Янгиқорғон тумани боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида олиб борилиб, куяларнинг миқдорлари бўйича олма дарахтларининг зарарланиши таҳлил қилинди.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра олма куяси, тоғ ва тоғолди ҳудудларида 1 та авлод бериб ривожланиши аниқланди. Шунингдек, кузатувларга кўра куя қуртлари 4 ёшни ўтайди.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра Наманган вилоятларининг тоғолди туманларида олма куяси олма дарахтларига кучли зарар етказётганлиги аниқланди. Бу эса олма ҳосилнинг йўқотилиши ва дарахтларнинг кучсизланишини бартараф этиш учун тезкор чоралар кўришни талаб этади. Шу боис тадқиқотларимизда мазкур зараркунандага қарши кураш воситаси сифатида бир қанча турли гуруҳларга мансуб инсектицидлардан фойдаланиб дала тажрибалари ўтказилди.

Дала тажрибалари Янгиқўрғон тумани ҳудуди фермер хўжаликларидаги олма боғларида ўтказилди. Баландлиги 3-4 метр гача бўлган дарахтларга (ҳар вариантда 6 тадан) моторли қўл пуркагичи билан ишлов берилди. Сувнинг сарф-меъёри 600 л/га қилиб олинди. Бунга мувофиқ ишчи суюқлик концентрацияси танланди. Зараркунандани ҳисобга олиш ишлов беришгача ва ундан сўнг 3, 7, 14 ва 21 кун ўтгач амалга оширилди. Олма куясига қарши РАДИАНТ к.с.120 г/л. 0,5 л/га, Андоза варианты сифатида ЛЮФОКС, эм.к. 0,8 л/га ҳисобида қўлланилди.

2021-2022 йилларда Янгиқўрғон туманида ўтказилган тадқиқот натижалари 1-жадвалда келтирилган бўлиб, бунда синалган барча препаратлар олма куясига қарши

курашда юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

1-жадвал

**Олма куясига қарши синалган инсектицидларнинг биологик самарадорлиги
Дала тажрибаси, Янгиқўрғон тумани - 600 л/га, 2021-2022 йй.**

| № | Вариантлар (синалган препаратлар) | препара тнинг сарф- меъёри, л(кг)/га | 1 та зарарланган шохдаги қуртларнинг ўртача сони, дона | | | | Биологик самарадорлик, % қуйидаги кундан сўнг | | | | |
|----|---|--|---|--|------|------|---|------|------|------|------|
| | | | Ишло в бери шгач а | Ишлов берилгандан сўнг қуйидаги кун ўтгач | | | 3 | 7 | 14 | 21 | |
| | | | | 3 | 7 | 14 | | | | | 21 |
| 1. | РАДИАНТ к.с.120 г/л. | 0,5 | 32,4 | 7,1 | 1,8 | 3,2 | 6,3 | 78,9 | 95,1 | 91,9 | 85,3 |
| 2. | ЛЮФОКС, эм.к. (эталон) | 0,8 | 35,1 | 8,2 | 3,5 | 5,8 | 7,2 | 77,6 | 91,2 | 86,5 | 84,5 |
| 3. | Назорат ишлов берилмайди | - | 34,7 | 36,2 | 39,5 | 42,7 | 46,2 | - | - | - | - |

Олма куясига қарши 2021-2022 йилларда Янгиқўрғон туманида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра РАДИАНТ к.с.120 г/л. 0,5 л/га, сарф меёрида синалган вариантда 7 куни 95,1 %, самара берди. ЛЮФОКС, эм.к. 0,8 л/га сарф меёрида синалган вариантда 7 куни 91,2%, самарадорликни намаён этди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексидзе Г.Н., Абашидзе. Прогноз вредоносности яблонево́й моли/ // Защита растений.- 1983.- №6.- С. 27-28.
2. Бабаян А.С. Избирательность бабочек мальвовой моли//4-й съезд Всесоюзного Энтомологического общества: тез. докл.-М.; Л., 1959. -№С. 7-8.
3. Дегтярева Б.И. Главнейшие вредные чешуекрылые древеснокустарниковой растительности центральной части Гиссарского хребта и Гиссарской долины (Lepidoptera). Изв. АН ТаджССР. – 1964. – С.
4. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар (II-нашр). – Тошкент: Ком-DAR, 1994 ва 2004. – 103 б.
5. Schwartz, J.L. Laboratory culture of Orange Tortrix, and its susceptibility to four insecticides /J.L.Schwartz, R.L.Lyen //Econ. Entomol. 1970. - Vol. 63. -No. 6.-P. 1788- 1790.